

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВАЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
БИОЛОГИЯ-ТУПРОҚШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ**

НИГМАТОВА ДИЛДОРА САЪДУЛЛАЕВНА

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ШАЙХОНТОХУР ТУМАНИ МАНЗАРАЛИ
ЎСИМЛИКЛАРНИ ЎРГАНИШ**

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

**Илмий рахбар:
Қ/ф.н., доц.в.б.
А.А.Маткаримова**

ТОШКЕНТ – 2013

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
1 -БОБ. ТОШКЕНТ ШАХРИ ШАЙХОНТОХУР ТУМАНИНИНГ ҚИСҚАЧА ФИЗИК-ГЕОГРАФИК ТАВСИФИ.....	6
2-БОБ. АСОСИЙ ҚИСМ.....	9
2.1 Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани манзарали ўсимликлар рўйхати.....	9
2.2. Шайхонтохур тумани манзарали ўсимликларнинг ботаник тавсифи.....	11
3-БОБ. ТОШКЕНТ ШАҲАР ШАЙХОНТОХУР ТУМАНИ АТРОФИДА ТАРҚАЛГАН МАНЗАРАЛИ ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ АҲАМИЯТИ.....	37
ХУЛОСА.....	39
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	40

КИРИШ

Бизнинг Ўзбекистонимизнинг ўсимликларга бой ўлкадир. Ўсимликлар ҳам табиий бойликлармиздан бири ҳисобланади. IV жилдли “Флора ўзбекистона” китобида тўрт мингдан ортиқроқ (4148) тур қайд этилган. Республикамизнинг бой хазинаси ҳисобланмиш бу ўсимликлар чўл минтақасидан тортиб токи яйлов минтақасигача кенг тарқалган ёки айтишимиз мумкин, ўсимликлар дунёсининг вакиллари бarchа жойларда сувда, қуруқликда, тоғда, чўлда, даштда учратиш мумкин. Ҳатто Антрактида музликларидан бўш жойларда ҳам миқдорда бўлса ҳам мох ва лишайниклар ўсади. Уларни ҳам хил экологик шароитда учратишимиз мумкин.

Ўсимлик ҳақида гапирар эканмиз, унинг ҳаёт манбаи эканлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Табиатдаги бarchа тирик мавжудотларни ўсимликлар оламисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ўсимликлар қадим замонлардан шу кунга қадар табиат ва инсонлар ҳаётида катта рол ўйнаб келади. Ўсимликлар уйимиз деразасида, столимизда даста ҳолида, ҳовлимиз атрофида, кўчаларда, боғларда ҳиёбонларда ўсади.

Шаҳар шароитида ўсувчи ўсимликларнинг яъни тирик филтёрлик хусусияти ҳам мавжуд. Улар ҳаводан турли ифлос чиқиндиларни, чангларни ютади. Бежиз айтилмаган ахир “ўсимликлар шаҳарнинг ўпкасидир”.

Кўпгина дарахт ва буталар ҳавода учиб юрувчи модда фитонцидларни ажратиб чиқаради. Бу эса ҳаводаги микробларни бир қанча марта пасайтиради. Буларга мисол қилиб, ёнғоқ баргини ва ярим шарсимон арча, Америка заранги ва бошқаларни олиш мумкин. Шаҳар шароитида ўсимликларнинг бўлиши албатта инсонларнинг яшаши учун қулайлик яратади ва улар аҳволини яхшилайдди.

Сўнги маълумотларга кўра ер юзида тубан ва юксак ўсимликларнинг 500 минга яқин турлари ўсади. Ўрта Осиёда юксак ўсимликларнинг 800 дан зиёд, Ўзбекистонда эса 4500 га яқин турлари ўсади. Мана бундай хилма-хиллик ердаги ҳаётнинг давом этишида муҳим рол ўйнайди.

Фақат ўсимликларнинг шундай ажойиб қобилиятга эгаки, улар ер юзидаги барча тирик мавжудотларнинг нафас олиши учун кислород ажратиб беради. Ўсимликлар тупроқ ва иқлим шароитида фаол иштирок этадилар, инсон ва ҳайвонларнинг озиқ рационини ташкил қилади. Кўмир, нефт, торф буларнинг ҳаммаси ўсимлик маҳсулотлари фаолиятининг натижасидир.

Ҳаммага яхши маълумки, саноат корхоналари замонавий шаҳарларнинг ажралмас бир қисми ҳисобланади. Саноат корхоналари атрофида ҳам албатта ҳар хил ҳаёт шаклига мансуб ўсимликлар ўсади. Уларнинг вазифаларидан бири саноат корхоналари атрофида санитар зонани ташкил қилишидан иборатдир (газсимон чиқиндилар, чанг, шовқиндан сақлайди).

Ўсимликларнинг саноат ҳудудларида ўсиши атроф-муҳитни ифлосланиши ҳақида ахборот берувчи ўзига хос восита бўлиб ҳам хизмат қилади.

Ўсимликлардан атроф муҳитнинг сифатини баҳолашда фойдаланиш замонавий биомониторинг олиб боришнинг асосларидан бири ҳисобланади.

Кузатишнинг мақсади:

Асосий мақсадимиз Тошкент шаҳри Шайхонтохур тумани манзарали ўсимликларнинг инвентаризациясини ҳисоботини олиш ва уларга ботаник тавсиф беришдан иборат.

Текриришнинг материали ва методи.

Материаллари асосан 2010-2011 йилнинг сентябр ойида малакавий битирув иши амалиёти вақтида йиғилган шахсий гербарийлардан ҳамда “Батаника ва ўсимликлар физиологияси” кафедрасида сақланоётган гербарий материалларидан фойдаланилди.

Вазифаларимизга қўйидагиларни киритдик:

- Ишнинг вазифаси;
- Шайхонтохур тумани манзарали ўсимликларнинг рўйхатини тузиш;
- Гербарий материалларини тўплаш, оила, туркум, турларга ажратиш;
- Ўрганилган манзарали ўсимликларга ботаник тавсиф бериш;

- Ўрганилган ўсимликларнинг халқ хўжалигидаги аҳамиятини ўрганишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг илмий услублари:

- Гербарий йиғиш, қуритиш ва этикеткалаш умумий қабул қилинган қоидалар бўйича олиб борилди;
- Ўсимлик турларини аниқлаш учун ўбек ва рус тилида ёзилган аниқлагичлари ва “Флора Узбекистана” 6 томли китобларидан фойдаланилди;
- Турларининг латинча номлари “Определитель растений Средней Азии” 10 томли китоб, ҳамда Черепанов маълумотлари бўйича берилди;
- Ҳаётий шакллар бўйича ва амалий аҳамияти бўйича гуруҳларга бўлиш учун илмий адабиётлар ва интернет манбаларидан фойдаланилди.

Малакавий битирув ишини бажаришда асосий солиштирма марфалогик, ўсимликларнинг ҳисобини олишди. Маршрут услублардан фойдаланилди.. Ўсимликларнинг ҳисобини олиш билан бирга гербарий намуналарини ҳам тўпланди.

**1 БОБ. ТОШКЕНТ ШАХРИ ШАЙҲОНТОХУР ТУМАНИНИНГ
ҚИСҚАЧА ФИЗИК-ГЕОГРАФИК ТАВСИФИ.**

Тошкент шаҳри Ўзбекистон Республикаси пойтахти Марказий Осиёнинг йирик саноат транспорт чорраҳаси ва илм-фан маданият марказидир.

Тошкент шаҳри Ғарбий Тяншаннинг тоғ олди қисмида, Чирчиқ дарёсининг ўнг соҳилидаги бир оз паст-баланд текисликда жойлашган. Майдони 260 км².

Релефи – Тошкент жанубга томон пасайиб борадиган тепаликлардан иборат, тоғ олди текислигида жойлашган. Энг баланд жойи денгиз сатҳидан 315 м. Мирзо Улуғбек районидаги “Трактор” автостанциясига яқинида, энг паст жойи 380 м. Сергели туманида Чирчиқ дарёси соҳилида. Баландликларнинг умумий амплитудаси 130 м дан зиёд. Ер юзаси дарё ва қадимги каналлар водийлари шунингдек ораликдаги кенг ясси сув айирғич бўлган жарликлар билан бўлинган, пастлик жойларнинг қиялиги Салар, Шибли, Бўрижар, Қорақамишнинг ғарбий қисми субмеридионал водийлари, Қорасув ва салар водийларининг қуйи қисми, Қичқирик, Кайковус, Қорақамиш ўрта қисмининг тахминан кенглик бўйлаб йўналган водийлари кўпинча умумий қияликка нисбатан бироз бурчак остида йўналган. Фақат Чирчиқ ва Бўзсув водийларигина умумий қияликга мос. Тошкент жойлашган дастлабки релеф ўрта плейстоцент Тошкент циклига мансуб аккумулятив пролювиал лёсс текислигидан иборат. Тошкент шаҳри топокарта К-42 планитдаги кардината 41. 17.Б “41.25.0” шимолий кенгликда ва 69.15.22 “69.30.0” шарқий узокликда. Тошкент ва унинг атрофи иқлими континентал. Қиши нисбатан совуқ, ёзи қуруқ, иссиқ. Тошкентда бутун йил давомида кечаси кўпроқ шимолий шарқдан тоғ шамоли, кундузи эса шимолий ғарбдан водий шамоли эсади. Қуёш ёғдуси йилда ўртача 2770 соат давом этади. Қуёшсиз кунлари бир йилда ўртача 36 кун.

Ҳавонинг ўртача йиллик температураси 13,3 С⁰. Энг иссиқ ой июл, ўртача температура 26,9, энг совуқ ой январ, ўртача температура –0,9 С⁰. шаҳарда абс.максимал температура 44 С⁰, абс.минимал тепрература -30 С⁰. ўртача нисбий намлик 58 %, энг кўпи -74 % декабр- январда энг ками 40-44

% ёз ойларида кузатилади. Кузнинг биринчи ярмида нисбий намлик баҳордагига нисбатан кам. Ёз ойларида кундузи 20-29 % намлик кузатилади. Айрим вақтларда 5 % га тушади. Нисбий намлик 80% ва ундан ортиқроқ кунлар кам, айниқса ёз ойларида. Тошкентда йиллик ёғин миқдори ёзда энг кам март ойида максимал бўлади. Ўртача ёғин миқдори 387 мм қор қопламанинг қалинлиги максимум 54 см га етади.

Ер ости сувлари. Тошкент шаҳри умумий майдонидан 22,9 минг гектари ирригация тармоқлари билан суғорилади, асосий суғориш манбаси Чирчиқ, Бўзсув, Қора сув, Салар, Анҳор, Кайковус, Қорақамиш каби йирик магистрал каналлари шаҳобчалари билан Тошкентни шимолий шарқдан жанубий ғарбга томон кесиб ўтиб шаҳарни сув билан таъминлайди.

Тупроғи асосан воҳа бўз тупроғи, шунингдек бўз тупроқ минтақасининг гидроморфи ўтлоқ ва суғориладиган ўтлоқ тупроқлари учрайди.

2 БОБ. АСОСИЙ ҚИСМ.

2.1 Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани манзарали ўсимликлар рўйхати

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани манзарали ўсимликлар ўрганиш асосида қуйидаги жадвалда рўйхатини келтирамиз.

Жадвал-1

№	Оила	Туркум	Тур	Ҳаётий шакли
1	Pinaceae Қарағайдошлар	Pinus Қарағай	Pinus silvestrus оддий қарағай	Дарахт
2	Gupressaceae Сарвдошлар	Juniperus Арча	Juniperus virginiana- Виргин арчаси	Дарахт
		Biota Биота	Biota aorientalis Шарқ биотаси	Дарахт
3	Platanaceae Чинордошлар	Platanus Чинор	Platanus orientalis Шарқ чинори	Дарахт
4	Fagaceae Эмандошлар	Quercus Эман	Quercus robur Қизил эман	Дарахт
5	Betulaceae Қайиндошлар	Betula Қайин	Betula penbula Оқ қайин	Дарахт
6	Juglandaceae Ёнғоқдошлар	Juglans Ёнғоқ	Juglans regia Грек ёнғоғи	Дарахт
7	Salicaceae Толдошлар	Salix - Тол	Salix babylonica Мажнунтол	Дарахт
8	Malvaceae Гулхайридошлар	Hibiscus Бўритароқ	Hibiscus syriacus Сурия бўритароғи	Дарахт
9	Ulmaceae Қайрағойдошлар	Ulmus Қайрағоч	Ulmus densa Сада қайрағоч	Дарахт
10	Moraceae Тутдошлар	Broussoneyie Қоғоз дарахти	Broussoneyie parifera Қоғоз дарахти	Дарахт
11	Grossulariaceae Қорақатдошлар	Ri bes Қорақат	Ribes nigrum Қорақат	Бута
	Rosaceae Раънодошлар	Rosa Наъматак	Rosa canina Итбурун	Бута
		Chaenomeles Япон беҳиси	наъматак Chaenomelis jorjnica	Бута
		Cotoneaster	Япон беҳиси	Бута

		Иргай	Cotoneaster oliganthus Камгулли иргай	
13	Fabaceae Бурчокдошлар	Gleditschia Гледичия Sorhora Софора Albizzia Альбиция	Gleditschia triacanthus Тикан дарахти. Sophora japonica Япон софораси Albizzia ulibrissin Шойи альбиция	Дарахт Дарахт Дарахт
14	Hippocostanaceae Сохта каштандошлар	Aesculis Сохта каштан	Aesculus hippocastanum Сохта каштан	Дарахт
15	Aceraceae Зарангдошлар	Acer Заранг	Acer platanoides Чинорбарг заранг	Дарахт
16	Simaroubiaceae Айлантдошлар	Ailanthus Айлант	Ailanthus altissima Сассиқ дарахт	Дарахт
17	Caprifoliaceae Шилвидошлар	Lonicera Учқат Sambucus Бузина	Lonicera micrantha Майдагул учқат Sambucus nigra Қора бузина	Бута Бута
18	Aceraceae Зарангдошлар	Fraxinus Шумтол	Fraxinus americana Америка шумтоли	Дарахт
19		Ligustrum Лигуструм	Ligustrum vulgare Оддий лигуструм	Бута
20		Syringa Сирен	Syringa vulgaris Оддий сирен	Бута
21			Syringa persica Форс сирени	Бута

2.2. Шайхонтохур тумани манзарали ўсимликларнинг ботаник тавсифи.

Оила - Pinaceae - Қарағайдошлар

Туркум - Pinus L. - Қарағай

Тур - Pinus silvestrus L. - Оддий қарағай

Қабила битта қарағайдошлар оиласига эга бўлиб, 10 та туркум ва 250 тага яқин турни ўз ичига олади.

Шимолий Евроосиё ва шимолоий Америкада “Тайга” деб аталадиган ўрмонларни ҳосил қилади. Қарағайдошлар асосан доим яшил қисман баргини тўқувчи дарахт ҳамда айрим ётиб ўсувчи буталардан ташкил топган барглари игнасимон, тангачасимон, ингичка наштаарсимон турлича катталиқда. Қарағайдошларнинг барглари асосан кўп йиллик 2-7 йилгача тўқилмайди. Қуббалари айрим жинсли. Эркаклик (чангчи) қуббасидаги микроспорофилларда 2 тадан микроспорангий (чангдон) жойлашган. Чанглар шамол ёрдамида тарқалишга мослашган. Урғочи (уруғчи) қуббасининг қоплагич тангача барглари қўлтиғида уруғ тангачалар жойлашган бўлиб, уларнинг юзасида уруғ куртак жойлашган. Уруғлари қанотчали. Қарағайдошлар барча игна барглилар оиласида энг катта оила бўлиб, ер юзида жуда кенг тарқалган.

Қарағайлар бўйи 20-30 метрга етадиган бир уйли доим яшил дарахт. Танаси тўғри тик ўсади, шохлари горизонтал жойлашган. Танаси қалин, тўқ кўнғир рангли пўстлоқ билан қопланган. Ёш новдалари сарғиш рангли нина барглари қалин узун (8-15 см) тўқ яшил рангда қаттиқ бўлади. Оддий қарағайнинг меваси (қуббаси) иккинчи йили пишади. Қуббасининг узунлиги 6-10 см, эъни 3-4 см кўнғир жигар рангда. Уруғи майда узунлиги 5-6 мм, кўнғир қанотчалари бор. Бу ўсимлик ёввойи ҳолда қримнинг Ялта тоғларида ўсади. Қора қарағай Ўзбекистоннинг бир неча шаҳар ва қишлоқларида узок йиллардан бери маданий ўсимлик сифатида ўстириб келинмоқда. [5]

Қарағай ҳар йили тупроқда ҳам яхши ўсади. Қарағай ёруғсевар тез ўсадиган чидамли бўлади. Уруғидан кўпаяди. Унинг тарқалиши ва ватани собиқ СССР ни Европа қисми Скандиновия, Португалия, Испания, Италия ва Югословия.

Оддий қарағайнинг бўйи 15-20 м бўладиган пирамидасимон дарахт. Пўстлоғи қизғиш кўнғир ёки кулранг. Нина барглари 15-25мм, зич

жойлашган, ўткир учли. Оддий қарағайнинг ёғочи қурилишда шунингдек смола ва скинидор олишда кўп ишлатилади.

Ёзда нина барглardan хушбўй модда чиқиб туради, улар атрофидаги ҳавога тарқалиб одамлар соғлиғига фойдали таъсир этади.

Оила - Cupressaceae- Сарвдошлар

Туркум - Juniperus L. - Арча

Тур - Juniperus virginiana L- Виргин арчаси.

Оилага 19 та туркум, 130 га яқин тур киради. Улар ҳар иккала ярим шарда ҳам тарқалган. Оила вакиллари бир ёки икки уйли дарахт ва буталар бўлиб, уларда смола гуллар бўлмайди. Барглари нинасимон ёки тангасимон, новдада қарама- қарши ёки халқасимон ўрнашган. Эркаклик куббалари якка ҳолда бўлиб микроспорафиллари қалқонсимон микроспорангинлари 2-6 та. Эркаклик гамитафити редукцияланган. Урғочи (уруғчи) куббасида қоплагич тангача барг ва уруғ тангачаси қўшилиб ўсиб биттага айланган, қоплагич тангача барги ёғочланган ёки юмшоқ этли (арчалар) дир. (1-расм)

Арча (Juniperus) туркумига 14 та тур киради. Шундан 3 та тури: Зарафшон арчаси (J.zarafshchanica) ярим шарсимон (J.semiglobosa) ва Туркистон арчаси. Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудларида тарқалган. Бундан ташқари Виргин арчаси (J. virginia) манзарали ўсимлик сифатида республикаимиз шаҳарларида ўстирилмоқда. Арчалар икки уйли ўсимликдир. Уларда эркаклик (чангчи) куббалари кичик бўлиб микроспорафилларида [10]

2-6 та микроспорангиялар ҳосил бўлади. Уларнинг эркаклик куббалари бир йил дарахтда қишлаб иккинчи йилнинг баҳорида пишиб етилади.

Виргин арчасининг бўйи 15-30 м гача бўлади. Унинг асли ватани Америка Қўшма Штатларининг шарқий қисмидир. Арча катта хўжалик аҳамиятига эгадир. Баъзи арчаларнинг ёғочи жуда қимматли бўлади.

Улардан қаламлар тайёрланади. Баъзилири дурадгорликда ёки тез чиримайдиган материал сифатида ер ости қурилишларида ишлатилади. Ўрта

Осиёнинг тоғли минтақаларида арчалар тупрокни ҳимоя қилувчи ҳамда сув сақловчи ўсимлик сифатида катта роль ўйнайди.

Ўзбекистонда манзарали дарахт сифатида ўстирилади. Арчалар тоғли туманларда эрозияга қарши курашда муҳим аҳамиятга эга. Улар ўзида фитонцит ажратиши билан ҳавони микроблардан тозалайди. Улардаги эфир мойлари ҳам катта аҳамиятга эга.

Туркум – Biota – Биота

Тур – Biota orientalis – Шарқ биотаси

Бўйи 6-10 м га етадиган дарахт. Пирамидасимон, куббаси 10-20 мм, 3-4 жуфт черипица сингари чети билан бир-бири билан устма-уст жойлашгант, тангачалардан ташкил топган. Март- апрел ойларида гуллаб, август-сентябр ойларида уруғлайди. Манзарали ўсимлик. [5]

Оила - Чинордошлар - Platanaceae

Туркум- Platanus L.

Тур - Platanus orientalis L.

Бу оилага битта туркум, 10 та тур киради. Улар Шимолий Америка, Канада, Мексика, Ўрта ер денгизи бўйлари, Ғарбий Ҳимолай, Ҳинди-Ҳитой , Болқон ярим ороли ва Ўрта Осиёда тарқалган. Бизда битта шарқ чинори ўсади. Чинорнинг ватани Ўрта Осиёда. Чинор манзарали ўсимлик сифатида кўчаларда, боғларда ўзига хос кўрк бериб туради. Чинор сербарг ўсимлик, баргида ён баргчалари бўлади. Куртагидан дастлаб барг чиқади, кейин гулга киради.

Гуллари бир жинсли, чангчи гули сарғиш бошчада, уруғчи гули қизил бошчада ҳосил бўлади. Шамол воситасида чангланади. Чангчилари 3-4, баъзан эса 7 тагача етади. Уруғчи гуллари 5-9 та мевача баргларнинг қўшилиб ўсишидан ҳосил бўлади.

Чинорлар 2000 йилгача умр кўради, табиатда 500, 1000 йил яшаган чинорлар учрайди. Сурхондарё вилояти Бойсун туманига қарашли Сайроб

қишлоғидаги чинорнинг танаси ковагида мактаб ташкил этилиб унда болалар таълим олишган. [20]

Чинор ёғочи қимматли қурилиш материали ҳисобланади, у мустаҳкамлиги жиҳатидан ёнғоқ ёғочидан қолишмайди. Шарқ чинори Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби” га киритилган.

Шарқ чинори Бўйи 20-25 метрга етадиган дарахт. Барглари 3-5 бўлакли. Гуллари шарсимон тўпгулга йиғилган, бир жинсли, қўш гулкўрғонли, чангчи гуллари 3-8 та уруғчига эга. Меваси ёнғоқ. Апрель ойида гуллаб, сентябр-октябрда меваси пишади. Шаҳар ва қишлоқларни кўкаламзорлаштириш учун манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади.

Оила –Fagaceae - Эмандошлар

Туркум - Quercus L.- Эман

Тур- Q. rober L. - Қизил эман

Эмандошлар оиласининг 18 туркумга мансуб 900 га яқин турлари бор. Улар асосан баргини тўкадиган ёки доим яшил дарахт ва айрим буталардан иборат. Эманлар асосан Шимолий ярим шарда кенг тарқалган, қисман улар жанубий экваторда ўсади. Эманларнинг кўпчилик турлари жуда йирик дарахтлар бўлиб, баландлиги 35-40 га етади. Барглари оддий навбатлашиб жойлашган. Гуллари айрим жинсли, гулкўрғони оддий, тугунчаси устки, тўпгули кучала ёки каллакчадан иборат. Меваси бир уруғли ёнғоқча.

Эмандошлар оиласига мансуб ўсимликларнинг ҳўжаликдаги аҳамияти жуда катта. Улардан қимматбаҳо ёғоч маҳсулотлари олинади. Пўстлоғи эса ошловчи моддалар тайёрлашда ишлатилади. Эман манзарали ўсимлик сифатида кўплаб экилади. Ўзбекистонда унинг 7 та тури экилади. [10]

Эман дарахтининг бўйи 40-50 м гача етадиган дарахт. Шохлари ёрилмаган, кумуш рангли, пояси ёрилган, қўнғир кулранг тусли пўстлоқ билан қопланган. Барглари тескари тухумсимон, патсимон бўлакли бўлиб, қисқа банди ёрдамида пояси билан шохларида кетма-кет жойлашган. Гуллари майда, кўримсиз, бир уйли ва бир жинсли. Оталик гуллари кучалага,

оналиги 1-3 тадан бўлиб ёш новдаларда тўпланган. Меваси гулкўрғонининг қолдиғига жойлашган, узун бандли чўзиқ ёнғоқча. Истироҳат боғларида ва кўчаларда манзарали дарахт сифатида ўстирилади. Пўстлоғининг қайнатмаси буриштирувчи ва антисептик восита сифатида оғиз бўшлиғи касалликларида томоқ шиллиқ пардаси яллиғланишида, милк қонаганда, оғизда хид пайдо бўлганда оғизни чайиш учун ишлатилади. Баъзан ўтли қайнатмаси терининг куйган жойига ишлатилади.

Қизил эман бўйи 20-25 м ли дарахт. Шох-шаббаси кенг, новдалари Қизғиш-қўнғир рангда туксиз. Барглари тескари тухумсимон, ўйма, бўйи 6-12 см, эни 3-6 см. Тўпгули кучала ёки бошча. Апрель ойида гуллаб, сентябрда уруғлайди. Меваси кўсакча. Шаҳар кўчаларида ва хиёбонларда ўстирилади. (2-расм)

Оила – Betulaceat - Қайиндошлар

Туркум – Betala - Қайин

Тур – *B. pendula* Roth - Оқ қайин

Betulaceal- Қайиндошлар оиласига 6 та туркумга мансуб 150 га яқин тур киради. Улар асосан шимолий ярим шарда тарқалган. Ўзбекистонда битта туркумга мансуб 2 тури ўсади.

Betula pendula Roth- Оқ қайин. Дарахт бўйи 10-20 м ли дарахт. Пўстлоғи оқиш ажралувчан. Барглари ромбик-тухумсимон, туксиз, чети ўткир тишли. Гуллари айрим жинсли. Бир уйли ўсимлик. Тўпгули кучала.

Апрель ойида гуллаб, октябрда уруғлайди. Тоғли худудларда, сой бўйларида ўсади, шаҳар кўчалари ва хиёбонларда ўстирилади. [2]

Умумий тарқалиши: Сибир СССР Европа қисми, Европа, Ўрта ер денгизи.

Қайиннинг куртаги таркибида 3,5-8% эфир мойи, флавоноидлар (анигенин) акацетик, смолалар, витамин С ошловчи моддалар бор.

Куртак ва барг дамламалари сийдик ҳайдовчи восита сифатида юрак ва бўйрак фаолияти бузилиши натижасида баданга шиш келишни даволашда қўлланилади.

Баргнинг дамламаси яна амигоминозларда куртак дамламаси ўт ҳайдовчи восита сифатида холецистит, жигар касалликларида ишлатилади.

Қайин дарахтининг қатрони Вишневский суртмаси таркибида яраларни, Вилькинсон суртмаси таркибида қўтир ва тери касалликларни даволашда қўлланилади.

Қайиндан кўкаламзорлаштиришда кенг фойдаланилади. Ёғочи қурилиш материали сифатида ҳамда турли буюмлар ясашда ишлатилади.

Оила - *Juglandaceae*- Ёнғоқдошлар

Туркум - *Juglans* L. - Ёнғоқ

Тур - *J. regia* L. - Грек ёнғоғи

Оила 7 та туркумга мансуб 60 та турни бирлаштиради. Асосан Евросиё ва Америкада тарқалган. Гуллари айрим жинсли, чангчилари кучаласимон тўпгулда жойлашган. Уруғчиси 2 та мевача баргнинг қўшилиб ўсишидан ҳосил бўлган. Тугунчаси остки, меваси ёнғоқ мева. Барглари тоқ патсимон мураккаб, эфир мой чиқарувчи безчалардан иборат. Ўзбекистонда оддий ёнғоқ (*Juglans regia*) ўсади. У Угам, Чотқол, ҳисор тизмаларида кенг тарқалган. Ёнғоқлар давр реликти ҳисобланади. Бўйи 30-40 метр, диаметри 1,5-2 м га етадиган дарахт. Шох-шаббаси кенг, очик ерларда новдалари ёзилиб, ерга тегиб ётади. Пўстлоғи тиниқ, кулранг қўнғир рангда. Ёш новдалари қиррали, қўнғир яшил куртаклари йирик. Барглари йирик тоқ

патсимон, узунлиги 44 см гача бўлиб, барглар сони 9 тагача етади. Учидаги барги бошқаларига кўра йирик, эфир мойига бой. Гуллари кўримсиз, апрел ойининг бошларида гуллайди. Меваси тўда бўлиб жойлашган. Ёнғонининг пўстини серэт пўстлоқ қоплаган бўлиб, унда йод, бўёқ ва ошловчи моддалар кўп бўлади. [9]

Бу дарахт тез ўсувчи, қурғоқчиликка, совуққа ва шамолга чидамлидир. Серунум тупроқларни ёқтиради. Яшил даври 300-500 йил агар эски шохларини кесиб, парваришланса бундан ҳам кўп яшаши мумкин. Ёнғоқлар озиқ-овқат саноатида, техникада, мебел саноатида, табобатда эса доривор ўсимлик сифатида катта аҳамиятга эга.

Грек ёнғоғи Бўйи 15-30 метрга етадиган мевали дарахт. Шох-шаббаси кенг, танасининг диаметри 0,5-2 м ва кндан ҳам ортиқ йўғонликда. Барги йирик, мураккаб, тоқ патсимон. Гуллари айрим жинсли. Бир уйли ўсимлик. Чангчи гуллар кучалага тўпланган, уруғчи гуллар эса 1 ёки 2-3 тадан ўтган йилги новда учида етишади. Май ойида гуллаб, меваси сентябрда пишади.

Оила - Salicaceae - Толдошлар

Туркум - Salix L. - Тол

Тур - Salix alba L. - Оқ тол

Бу оилага 3 туркумга мансуб 400-420 тур киради. Улар дарё бўйларида, тўқайларда, ариқлар қирғоқларида, сувга сероб жойларда ўсади. Бу оилага мансуб ўсимликлар қишда баргини тўкиб туради. Оиланинг энг кенг тарқалган туркумлари тол (Salix) 350-370 турни, терак (Populus) 50-60 турни ўз ичига олади. Улар дарахт ва буталардан ташкил топган. Булар орасида мажнунтол, қоратол, тўронғил, кўк терак, қора тераклар бор. Барглари оддий, бутун. Гуллари бир жинсли, икки уйли. Шунингдек гулқўрғони йўқ. Толларда чангчилари 2 та, теракларда 6-40 та, уруғчиси 2 та мевачи баргнинг қўшилиб ўсишидан ҳосил бўлган. [15]

Оқ тол (Salix alba). Бўйи 10-15 м ли дарахт. Барглари йирик, ингичка ланцетсимон, ўткир учли, чети майда арратишли, устки томони тўқ яшил,

ости кул ранг, ҳар иккала томони тукли. Кучаласи барглари билан бир вақтда ҳосил бўлади. Апрель май ойларида гуллаб уруғлайди. Ёввойи ҳолда дарёлар бўйида ўсади. Манзарали дарахт сифатида кўп экилади. Мажнунтол (*Salix babylonika*). Бўйи 8-10 метрга етади. Барглари ингичка-ланцетсимон, туксиз. Кучаласи (тўпгули) барглاردан олдин ҳосил бўлади. Март-май ойларида гуллаб уруғлайди.

Республикамиз шаҳар ва қишлоқларида манзарали дарахт сифатида ўстирилади.

Туркум - *Populus L.* - Терак

Тур - *P. alba L.* - Оқ терак

Терак тез ўсадиган дарахт бўлиб, илдизи чуқур жойлашади, танаси тўғри ва йўғон бўлиб ўсади. Ўрта Осиё шароитида танасининг йўғонлиги 1 м ва каттароқ бўлади. ҳар қандай тупроқли ерларда ўса беради, аммо унумдор тупроқларда жуда яхши ўсади. Япроқ ёзишдан олдин гуллайди, барвақт мева қиладди, ҳар йили кўплаб уруғ тугади. Уруғ кўкариш қобилятини узоқ сақламайди. Яхши етилган бир йиллик новдасидан қаламчалаш йўли билан кўпайтириш мумкин.

Оқ терак (*Populus alba*). Бўйи 10-15 м ли дарахт. Шох-шаббаси ёйиқ ёки пирамидасимон. Барглари 3-5 нотекис бўлақларга бўлинган. Апрель-май ойларида гуллаб уруғлайди. Манзарали ва қурилиш материали олинадиган ўсимлик сифатида экилади. [15]

Қора терак (*Populus nigra* L.). Бўйи 10-15 м ли дарахт. Шох-шаббаси пирамидасимон. Барг банди 2-4 см, барг пластинкаси 4-8 см. Март-апрел ойларида гуллаб уруғлайди. Манзарали ва қурилиш материали олинадиган ўсимлик сифатида кўп экилади.

Оила -Malvaceae- Гулхайридошлар

Туркум - *Hibiscus* L. - Бўритароқ

Тур - *H. Syriacus* L. - Сурия бўритароғи

Бу оилага 85 туркум, 1000 тур киради. Ўзбекистонда 6 туркумга мансуб 17 тури ўсади. Гулхайридошларга ўт, бута ва дарахтлар киради. Барглари оддий, қирқилган, панжасимон. Гуллари икки жинсли, актиноморф, гулкоса ва гултожбарглари 5 тадан. Уруғчиси ва чангчиси чексиз, тугунчаси устки меваси кўп уруғли, кўсакча. [16]

Сурия бўритароғи (*Hibiscus syriacus*). Бута. Бўйи 2-3 м. танаси сершоҳ. Барглари бандли, тескари тухумсимон ёки деярли ромбасимон, уч бўлакли. Барг бандлари япроқларга нисбатан 2-3 марта қисқа. Остки косачабарглари сони 5-10 та. Гултожлари оқ, пушти, қизил ёки сиёҳ рангда, гулкосача барглари нисбатан 2-3 марта узун. Июнь-сентябр ойларида гуллаб уруғлайди. Республикада кўп ўстириладиган манзарали ўсимлик.

Оила - *Ulmaceae*- Қарағайдошлар

Туркум - *Ulmus* L. - Қайрағоч

Тур - *U. androssovii* Litv. - Андросов қайрағочи

Бу туркумнинг 140 га яқин турлари мавжуд бўлиб, Евросиёнинг мўътадил иқлими жойларида, Шимолий Америкада, Осиёнинг тоғли ҳудудларида ва дашт зонасидаги унумдор тупроқли ерларда ўсади. Ўзбекистонда шундан 13 тури учрайди. [17]

Қайрағоч дарахти йирик манзарали дарахтлардан бири бўлиб, қайрағочдошлар оиласига киради. Бўйи Ўзбекистон шароитида 18 метр, тансасининг диаметри 65 см га етади. Бунинг 2 тури: шох-шаббаси думалок берест қайрағочи ва шох-шаббаси пирамидасимон кўринишли вяз қайрағочи ўстирилади.

Қайрағоч қурғоқчиликка чидамли, айниқса ёш вақтида тез ўсади. Қирқ ёшга кирганда ўсиши секинлашади, лекин 80 ёшга киргунча ўсишдан тўхтамайди. Бу дарахт жуда узоқ яшаб, катта шох-шабба ҳосил қилади. Эрта кўкламда барг ёзмасдан олдин гуллайди. Меваси март-апрелда пишади. Аммо уруғи ўзининг кўкарувчанлигини тез йўқотади. Қайрағоч ҳар қандай

ерда ўса олади. Аммо унумдор юмшоқ ерларда нам билан таъминланган бўлса яхши ўсади.

Андросов кайрағочи (*Ulmus androssovii*). Бўйи 10-15 м. Шох-шаббаси тигиз, шарсимон кўринишда. Март-апрел ойларида гуллаб уруғлайди. Шаҳар ва туман кўчаларида кўкаламзорлаштириш учун экилади.

Оила - Moraceae- Тутдошлар

Туркум- Broussonetia - Қоғоз дарахти

Тур- Broussonetia papirifera- Қоғоз дарахти

Бу оилага доим яшил ёки баргини тўкувчи, сут ширали дарахт, бута ва ўт ўсимликлар киради. Уларнинг барглари кетма-кет ва қарама-қарши жойлашади. Барглари бутун, ўйилган ёки қайчибарг. Тўпгуллари каллаксимон ёки бошоқсимон бўлиб, барг қўлтиғида жойлашган. Гуллари айрим жинсли, бир уйли ёки икки уйли. Гулкўрғони косачасимон, тўрт бўлакчали, чангчиси 4 та, уруғчиси 1 ёки 2 та мевачи баргдан иборат. Меваси ёнғоқча ёки сохта донакча. Бу оилага 53 та туркумга мансуб 6 та тури бор. [9]

Бу туркумга барг банди ва шохчаси узун тукли, уруғчи гулли шарсимон тўпгул ҳосил қиладиган дарахт киради. Унинг меваси анжирсимон, пишганда сариқ қизғиш рангли, истеъмол қилиш мумкин. Ўсимликнинг ватани Хитой ва Япония. Ўзбекистонда манзарали ўсимлик сифатида экилади. Бу дарахт кул рус духобасимон туклар билан қопланган йирик барглари туфайли жуда чиройли кўринади. Қоғоз дарахти кўркамлиги, тез ўсиши, уруғи ва илдизи бачкилари ҳамда илдиз парчалари орқали осон кўпайишга қарамай хиёбонларда кам экилади.

Оила - Grossulariaceae - Қорақатдошлар

Туркум - Ribes - Қорақат

Тур - Ribes nigrum – Қорақат

Grossulariaceae – Қорақатдошлар оиланинг Евроосиё, Шимолий Африка ва Америкада ўсадиган 150 га яқин турлари бор. Ҳаётий шаклига кўра улар буталардан иборат.

Ribes – Қорақат туркуми вакилларида Республикамизнинг тоғли туманларида сой бўйларида, жилғалар бўйларида ўсади. Тўпгули шингилсимон. Гултожи барглари асоси найча ҳосил қилади. Гултожи жуда қисқарган. Меваси резавор.

Оила - Rosaceae- Раънодошлар

Туркум - *Rosa L.* - Наъматак

Тур - *R. canina L.* - Итбурун наъматак

Оила 100 та туркумга мансуб 3000 минг дан ортиқ турларини бирлаштиради. Ўзбекистонда 11 туркумга оид 96 тури ўсади. Улар ер юзида жуда кенг тарқалган дарахт, бута ва ўт ўсимликлардан иборат. Кўпчилик турларда гуллари актиноморф, икки жинсли, айрим турларида зимогорф, чангчилари гулкоса ва гултожи баргларга тенг, косача ва гултожи баргларига тенг, косача ва гултож барглари 5 тадан бўлиб жойлашади. Уруғчиси кўп ёки битта. Мевалари турлича: резавор, сохта мева, барчак, ёнғоқ ва бошқалар. [13]

Наъматак Раънодошлар оиласига мансуб, бўйи 1,5-3м, баъзан 6 м га етадиган тиканли бута. Новдалари эгилувчан бўлиб, ялтироқ, қўнғир-қизил ёки қизил-жигарранг пўстлоқ билан қопланган. Барглари тоқ патли мураккаб, 5-7 та тухумсимон, аррасимон қиррали баргчалардан ташкил топган бўлиб, банди ёрдамида пояси билан шохларида кетма-кет ўрнашган. Йирик пушти, қизил, сариқ ёки оқ рангли хушбўй 5 бўлакли гуллари 2-3 тадан шохчаларига жойлашган. Шакли ва ранги турлича, ширали, гул ўрнидан ҳосил бўлган сохта мевага эга.

Апрел-август ойларида гуллайди, меваси июл-октябрда пишади. Наъматак турлари Ўрта Осиёнинг ҳамма республикаларидаги ўрмонларда, текисликларда, тоғ этакларида, қуруқ ўтлоқ ён бағирларда, ёнғоқ ва арчазорларда, боғларда ва бошқа ерларда ўсади.

Наъматак турларининг мевасидан тайёрланган дамлама ва қайнатмалар халқ табобатида меъда-ичак касалликларини (ич кетиш, қон аралаш ич кетиш, ичакнинг юқумли касалликларини) даволаш учун ҳамда бачадондан қон оқишини тўхтатувчи, иситма қолдирувчи, ўт ва сийдик ҳайдовчи дори сифатида қўлланилади.

Итбурун наъматак (*Rosa canina*). Бўйи 3 м гача. Гули оқ ёки пушти, қаттиқ, учи бироз пастга эгилган, туби учбурчак бўлиб йўғонлашган. Барглари 5-7 япроқли, япроқлари оддий ёки 2 карра ўткир тишли, туксиз,

узушлиги 15-50 мм. Косачабарглари учбурчаксимон, сиртдагилари қисман патсимон, узушлиги 2-3 см, қалин туклар билан қопланган, меванинг тўлик пишиш давригача тўкилиб кетади. Меваси 2-3 см, қизил, этли, тухумсимон ялтироқ. Май-июл ойларида гуллаб, июлғоктябрда мева беради. Тоғнинг пастки ва ўрта қисмидаги дарё ва сойлар бўйида, боғ, ёнғокзор ва арчазорларда ўсади.

Наъматак меваси яна организмни қувватлантириш модда алмашинувини яхшилаш, сохта мевалари ичидаги ҳақиқий мевалари-ёнғокчалари буйрак ва сийдик ҳайдаш учун ишлатилади.

Наъматак турлари мевасидан озиқ-овқат саноатида витаминга бой конфетлар ва кандолат маҳсулотлари тайёрлашда фойдаланилади.

Туркум - *Chaenomeles* Lindl. - Япон беҳиси

Тур - *Ch.japonica* (Thunb) Lindl. - Япон беҳиси

Бўйи 1,5-2 м. Ёш новдалари тиканли. Гуллари олов ранг-қизил, тўқ-қизил, пушти ёки оқ. Гулкосага ва тожбарглари 5 тадан, чангчиси 20-30 та, устунчаси 5 та меваси олмасимон. 3-4 см. Март ойида гуллайди. Шаҳар кўчаларида ва хиёбонларда эрта баҳорги манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади. Меваси нордон, жуда хушбўй. Айниқса баъзи хиллари қип-қизил гуллари билан жуда ажойиб кўринида бўлади, шунингдек оқ гулли хили ҳам жуда кўринишли. (4-расм). Япон беҳиси гуллари билангина эмас, балки лимон ранг, ноксимон кўринишли, диаметри 3-5 см катталиқда бўлган мевалари билан ҳам манзаралидир. [19]

Туркум - *Cotoneaster Medic.* - Ирғай

Тур - *Cotoneaster oliganthus* Pojark. - Камгулли ирғай

Камгулли ирғай (*Cotoneaster oliganthus*). Бўйи 1 метргача. Тўпгулли гулдастасимон, 2-5 гулдан ташкил топган, қисқа бандли. Меваси қизил, кенг элипссимон, учи бир оз этдор, қизил косачабарглари ўраб туради. Май-июн ойларида гуллаб, август-сентябрда меваси пишади. Тоғ ёнбағирларида, қоялар ёруғида ўсади. [20]

Бу ўсимлик асосан йирик бута шаклида бўлиб, яхши парвариш қилинганда йирик дарахт тусини олади. Ўзбекистон шароитида ўстириладиган ирғай турлари қурғоқчиликка, совуққа анча чидамли, ёзнинг иссиқ кунларига бардош беради. Ҳар қандай шароитида ўса беради.

Бу ўсимлик ўзининг қизил мевалари билан қопланганда жуда чиройли бўлиб кўринади. Бунинг хуш манзара япроқлари уни янада чиройли қилади. Бу ўсимлик тупроқни ҳимоялаш хусусияти билан ҳам катта аҳамиятга эга.

Ирғай иккинчи йили етиладиган уруғи билан кўпайтирилади. Янги йиғиштириб олинган уруғи кузда экиладиган бўлса стратификация қилинмайди, аммо кўкламда экилса, у албатта стратификация қилинади. Бу ўсимлик бир йиллик қаламчаси, айниқса илдиз парчаси ва бачкиси билан ҳам кўпайтирилади.

Япроғи яхлит, чети текис, чўзиқ тухум шаклида, учи найзасимон, бўйи 8 см, эни 4 см га боради, гули сарик бўлиб, апрелда очилади. Меваси анча йирик, чўзиқ шаклда, серэт, тўқ қизил рангда. Ирғай ёғочи жуда чиройли, оғир пишиқ, пластик, ўзаги сарғиш, ёғочи ҳар хил буюмлар ясашда ишлатилади.

Оила - Fabaceae- Бурчокдошлар

Туркум - Gleditchia- Гледичия

Тур - Gleditchia triacanthus L. - Тикан дарахт

Бурчокдошлар оиласи энг катта оилалардан бири бўлиб, 650 туркумга мансуб 18000 турни ўз ичига олади. Бу оила вакиллари Ер шарининг ҳамма қуруқликларда учрайди. Ўзбекистонда эса 35 туркумга оид 422 тури ўсади. [11]

Тикан дарахти (Gleditchia triacanthus). Бу манзарали дарахт дуккаклилар оиласидан бўлиб, бўйи 20-30 м га етади. Бу тез ўсиши, қурғоқчиликка ҳамда шаҳарнинг ноқулай шароитларига бардош бериши, боғ зарарқунанда ва замбуруғ касалликлари билан оғримаслиги, Ўзбекистон шароитида қиш совуқларидан мутлақо шикастланмаслиги билан ажралиб туради. Гледичия дарахти шох-шаббаси, нафис барглари туфайли жуда кўринишлидир. Япроғи тўқ-қизил, ялтироқ тусини кузгача йўқотмайди. Гули майда, яшилсимон, май-июнда гуллайди. Меваси йирик кўнғир малла тусдаги узун дуккаклардан иборат. Бу дарахт 8-10 ёшга кирганда мева қила бошлайди. Гледичия ҳар қандай тупроқда ўса олади. Қурғоқчиликка

чидайди, ёруғ жойларда тез ўсади. 20-25 ёшлик дарахтининг бўйи 15 м га етади. Бу дарахт уруғидан кўпайтирилади. Бу дарахтнинг ёғочи жуда қаттиқ бўлиб, вагонсозлик ва мебелчилик саноатида ишлатилади. (5-расм)

Туркум - *Sophora* - Софора

Тур - *S. japonica* L. - Япон софораси

Япон софораси (*Sophora japonica*). Бўйи 10 м гача. Ёш новдалари сарғиш-яшил. Барглар тоқ патсимон, тез ўсиши, танаси силлиқ ва текис япроқлари патсимон жойланиши, сарғиш гулларининг тўда-тўда бўлиб жойланиши, япроғининг кеч тўкилиши, дориворлик хусусияти ва бошқа яхши хислатлари жихатидан оқ акас ва бошқа зот дарахтлардан анча устун туради. Япон сафораси курғокчиликка чидайди, заракунандалар билан шикастланмайди. Июнь-июлда гуллайди, меваси чуткасимон дуккакдан иборат, уруғи майда, думалок ва ялтирок. Бу дарахт уруғини экиш йули билан кўпайтирилади.

Ёғочи сариқ, узаги қўнғир тусда, қаттиқ ва эластик бўлади.

Туркум– *Albizzia Durazz.* - Альбиция

Тур– *A. julibrissin Durazz.* - Шойи дарахти

Шойи дарахти (*Albizzia julibrissin*). Буйи 4-5м. Барглари 2 марта патсимон қирқилган, 12-48 см. Гуллари айрим жинсли, шарсимон паллакчага тўпланган. Гултожиси варонкасимон, тожибарглари кенг ханжарсимон, ташқи томондан ипаксимон туклар билан қопланган. Чангчилари пушти, дуккагининг узунлиги 7-15 см, эни 1,5-2,5 см. Июнь-июл ойларида гуллаб уруғлайди. [2]

Оила– *Hippocastanaceae*- Сохтакаштандошлар

Туркуми– *Aesculus L.* - Сохта каштан

Тур– *A. hippocastanum L.* - Сохта каштан

Сохтакаштандошлар оиласига мансуб, кўп экиладиган, манзарали дарахт. [5]

Бўйи 20-30 м, диаметри 1 м ва ундан ҳам йўғон булади. Барглари панжасимон мурраккаб, гуллари сариқ ва пушти доғли оқ бўлиб, конуссимон йирик шингиллар ҳосил қилади. Меваси серэт, юмалоқ кўсакча бўлиб, юмшоқ тиканлар билан қопланган. Уруғдан, илдиздан ва илдиз бачкиларидан кўпаяди. Ёғочи юмшоқ ва енгил бўлиб, фанер тайёрлаш учун ишлатилади. Апрель- май ойларида гуллаб август- сентябрда кўсаклари пишади. Манзарали ўсимлик.(6-расм)

Оила– *Aceraceae* - Зарангдошлар

Туркум– *Acer L.* - Заранг

Тур– *A. platanoides L.* - Чинорбарг заранг

Бу оилага мансуб ўсимликларнинг оддий ёки мураккаб, қарама- қарши жойлашган. Гуллари асосан бир жинсли. Гулкосача ва гултожбарглари 4-5 тадан, чангчиси 8 та. Меваси 2 қанотчали учма мева. Зарангдошлар икки туркумга оид 120 турни бирлаштиради.

Чинорбарг заранг (*Acer platanoides*). Дарахт бўйи 20 м гача. Шаҳар кўчаларида ўстирилади. Апрель ойида барг ёймасдан олдин гуллайди, августда мева беради. Бу дарахт кўкаламзорлаштириш учун кўп экилади. Тупроқ қатлами қалин, серунум ва ўртача нам ерларда яхши ўсади. Япроғи йирик, дағал 5 бўлакли, бандига уланган томони юраксимон. Барг ёзиш билан бирга ёки ундан олдин гуллайди. Меваси ясси, ялонғоч, қанотчалари бор. Бу дарахт уруғи бачкилари билан кўпаяди.

Ёғочи пишиқ, қаттиқ, ялтироқ, туси сарғиш ёки қизғиш оқ бўлади. Мебель саноатида ишлатилади. [6]

Семенов заранги (*Acer semenovii*). Бута ёки дарахт, бўйи 10 м гача. Ёввойи ва маданий ҳолда ўсади. Май-июн ойларида гуллаб, август-сентябрда уруғлайди. Баргчалари асосан 5-7 бўлакли, ҳосилли шохчалари баъзан 3 бўлакли. Барглари анча йирик, узунлиги 5-18 см, эни 8-22 см, 5-7 бўлакли. Ёш новдалари қизғиш-сарик. Тўпгулли туксиз.

Оила - Simarubiaceae - Симарубдошлар

Туркум – Ailanthus Desf. - Айлант

Тур – A. altissima (Mill) Swing. – Бўйчан айлант, сассиқдарахт

Дарахт. Бўйи 20-30ю барглари мураккаб патсимоню 45-60 см, 11-25 жуфт баргчалар ҳосил қилади, ёқимсиз сассиқ ҳидли. Гуллари икки жинсли. Гулкосачабарги 5 та, тожбарги 5-6 та, яшил-сарик, чангчиси 10 та, тугунчаси 2-6 та, мква баргдан иборат. Меваси бир уруғли, 1-6 та қанотли мева. Май ойида гуллаб, июл-августда уруғи етилади. Шахар ва қишлоқларда екилади, уруғидан осон кўпайиб тез ўсади. [19]

Оила - Caprifoliaceae- Шилвидошлар

Туркум - Lonicera L. - Учқат

Тур - *L. Micrantha Regel* - Майдагул учқат

Майдагул учқат (*Lonicera micrantha*). Бўйи 2,5-3 м. Баргларининг узунлиги 1,5-3 см, эни 0,6-1,7 см. Гул банди 1-2 см. май ойларида гуллаб, июн-августда уруғлайди. Манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади. Гултожиси оқиш пушти. Ёш шохчалари ўалин тукли. Гул олди баргчалари тугунчадан қисқа.

Туркум - *Sambucus L.* - Бузина

Тур - *Sambucus nigra L.* - Қора бузина

Қора бузина (*Sambucus nigra*). Бўйи 4,5 м гача бўлган бута. Барглари 25-30 см. Баргчалари 5-7 та, узунлиги 12 см, эни 6 см. Гултожи оқ-сарғиш, меваси резавор, ялтироқ шарсимон, қорамтир-сиёҳ ранг. Май-сентябр ойларида гуллаб, июл-сентябрда уруғлайди. Манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади. [20]

Оила – *Oleaceae* - Зайтундошлар

Туркум – *Frexinus* - Шумтол

Тур – *F. Americana L.* – Америка шумтоли

Бу оилага кўпчилиги манзарали ўсимликлар бўлиб, дарахт ва буталардан иборат. Барглари оддий, мураккаб, бутун, чети текис, тоқ патсимон ёки уч баргли, тухумсимон, барглари қарама-қарши ёки халқасимон жойлашган. Косачаси ва гултожи тўрт бурчакли. Косачаси кичкина тўрт тишчали. [5]

Гултожи кўпчилигида туташ баргли бўлиб, тўрт қисмга бўлинган ҳолда букилган, баъзи турларида туташмаган бўлади. Чангчиси фақат иккита бўлиб, бу оиланинг характерли белгисидир. Уруғчиси иккита, уруғчи баргдан тузилган, тугунчаси устки. Меваси кўсакча, қанотча, данакча, ёнғоқчадир. Зайтундошланнинг 22 туркумга оид 400 га яқин тури мавжуд. Турларининг кўпи жанубий ва шарқий Осиёда ўсади.

F. Americana L. – Америка шумтоли. Дарахт. Барглари 7 бурчакли, баргчаларининг узунлиги 8-12, эни 3-6 см. Манзарали ўсимлик сифатида, шаҳар ва кўчаларда ўстирилади. Март-апрел ойларида гуллаб, сентябр-октябр ойларида уруғ беради.

Туркум – *Ligustrum* - Лигуструм

Тур – *L. vulgare* L. - Оддий лигуструм

Ligustrum – Лигуструм. Бута ўсимлик бўлиб. Бўйи 2-5 м. Гуллари икки жинсли, рўваксимон тўпгулга йиғилган. Косачабарглари 4 та, оқ, чангчилари 2 та. Меваси резавор, қора шарсимон. Май-июн ойларида гуллаб, август-сентябрда меваси пишади. Одатда яшил девор ҳосил қилиш учун ўстирилади.

Туркум – *Syringa* L. - Сирен

Тур – *S. Vulgaris* - Оддий сирен

S. Vulgaris - Оддий сирен. Бута ўсимлик бўлиб. Бўйи 3-6 м. Барглари тухумсимон-наштар шаклида ёки чўзиқ наштарсимон. Гуллари оқ, пушти ёки қорамтир бинафша ранг. Кўсакчаси чўзиқ. Май ойида гуллаб, июнда уруғлайди. Манзарали ўсимлик сифатида кўп экилади.

Тур – *S. Persica* - Форс сирени

Бута. Бўйи 1,5-2 м. Гуллари оқ бинафша ёки оқ. Кўсакчаси тўрт қиррали. Май ойида гуллаб, июнда уруғлайди. Манзарали ўсимлик сифатида кўплаб ўстирилади.

3.БОБ. ТОШКЕНТ ШАҲАР ШАЙОНТОХУР ТУМАНИ АТРОФИДА ТАРҚАЛГАН МАНЗАРАЛИ ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ АҲАМИЯТИ

Манзарали ўсиликлар шаҳар ва қишлоқларни кўкаламзорлаштириш, истирохат боғлари, ижтимоий бино ва турар жойларни безатиш учун ўстирилади. Манзарали ўсимликлар ҳаётий шаклларига кўра дарахт, бута, ярим бута, кўп йиллик, икки йиллик ва бир йиллик ўтларга бўлинади.

Манзарали дарахт ва буталарга япроқли, игна баргли, доим яшил ва барг тўкувчи ўсимликлар киради. Ҳиёбон, кўчаларга, ховуз ва кўл бўйларига эман (дуб), каштан, чинор, оқ қайин, мажнунтол, терак, садақайрағоч, арчалар шийпон ва айвон теварагига экилади. Масалан, чинор Ўзбекистонда айниқса аҳоли яшайдиган жойларда кенг тарқалган ва жуда қадимда кишиларни ўзига жалб этиб келаётган энг кўркем дарахтлардан ҳисобланади. Чинорнинг шох-шаббаси кенг ва барглари йирик бўлганлиги учун ундан маҳаллий аҳоли ёзнинг жазирама иссиғидан ҳимоя қилувчи ўсимлик

сифатида фойдаланган ва оқ кўнгил билан кимсасиз жойларга, йўл бўйларига кўплаб ўтказган. Чинор ажойиб манзарали дарахт бўлганлиги сабабли ундан шаҳар ва қишлоқларимизни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришда жудаям кўплаб ўстирилади.

Гледичия дарахти шох-шаббаси, нафис барглари туфайли жуда кўринишлидир. Қурғоқчиликка чидайди, ёруғ жойларда тез ўсади. 20-25 ёшлик дарахтининг бўйи 15 м га етади. Бу дарахт уруғидан кўпайтирилади. Бу дарахтнинг ёғочи жуда қаттиқ бўлиб, вагонсозлик ва мебелчилик саноатида ишлатилади.

Сохта каштан ёғочи юмшоқ ва енгил бўлиб, фанер тайёрлаш учун ишлатилади. Апрель- май ойларида гуллаб август- сентябрда кўсаклари пишади. Манзарали ўсимлик.

Манзарали ўсимликлар, масалан, тол, терак, шумтол, бузина, қорақат, наматак, ирғай ва шу каби ўсимликлар табиат инъоми бўлиши билан бир қаторда, шаҳар ва қишлоқларимизни безаб, ўзгача манзара кўрсатиши, кишиларга эстетик завқ ва шавқ улашиши ҳам нечоғлиқ аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Сабаби, инсон ҳаётига бир бор келишини инобатга олсак, ҳар бир инсон яхши ва гўзал ҳаёт кечиришга муносибдир. Бу нима дегани? Яъни инсонлар ўзи яшаб турган ҳудудларни ўзгача бир манзаралар билан бойитиши, уларни ўз вақтида қадирлашни ўрганиши лозим.

Шу сабабли ҳам сўнги йилларда қишлоқ ва шаҳарларимизни янада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига ўстирилган ва барпо этилган боғларни сақлашга ва кўпайтиришга кенг эътибор берилмоқда. Бу борада давлатимиз томонидан бир қанча қарорлар қабул қилиниб, бу қарорларни амалга ошириш йўлида бир қатор эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда.

Манзарали ўсимликларни чин маънода, уларга эътиборли бўлишимиз, юртимиз чиройига ўзгача кўрк бағишлаётган бу ўсимликларни муҳофазасини қилишимиз зарур.

Хулоса

Шайхонтохур тумани манзарали ўсимликларини ўрганиш асосида куйидаги хулосаларга келдик:

1. Шайхонтохур туманида йиғилган гербарийларни аниқлаш, ҳамда мавжуд адабиётларни таҳлил этиш натижасида манзарали ўсимликлар 18 та оила 26 та туркум, 27 та тур ўсимлик аниқланди.
2. Шайхонтохур туманида тарқалган манзарали ўсимликлар ҳаётий шаклларига нисбатан таҳлил қилинганда 17 та дарахт, 10 та бута ўсимликлар эканлиги аниқланди.
3. Ўрганилган ўсимликлар халқ хўжалигида ишлатилишига кўра таҳлил қилинганда 23 та тури манзарали, ҳам озиқ-овқат ҳам манзарали сифатида 2 та тури, ҳам доривор ва манзарали сифатида 2 та тури аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ахунов Х. М. Определитель деревьев и кустарников горных районов Узбекистана. - Ташкент, - 1990. – 87 б.
2. Буригин В. А, Жонгуров Ф. Х. Ботаника. – Ташкент. - 1997. – 351 б.
4. Буш Н. А. Систематика высших растений. - Москва, - 1959. - 534 с.
5. Бавтуто Г.А., Еремина В.М., Жигар М.П. Атлас по анатомии растений. - Минск, “Ураджай”. -2001. – 146 с.
6. Жуковский П. М. Ботаника. Изд. «Высшая школа». –Москва, - 1982. - 667 с.
7. Еленевский А. Г, Соловьева М. П, Тихомиров В. Н. Ботаника Систематика высших, или наземных растений. – Москва, - 2001. - 429 с.
8. Зокиров Қ. З., Жамолхонов Х. А. Ўзбек ботаника терминологияси масалалари. - Тошкент, - 1996. - 43 б.
9. Зокиров Қ. З., Набиев М. М., Пратов Ў. П., Жамолхонов Х. А. Русча-ўзбекча ботаника терминларининг қисқача изоҳли луғати –Тошкент, - 1963. - 153 б.

10. Зоҳидов Ҳ. Шифо ҳазинаси. –Тошкент, - 2000. - 176 б.
11. Курсанов Л. И, Комарницкий Н. А, Мейер К. И, Раздорский Ф. А, Уранов А. А. Ботаника. - 2 том. – Тошкент, - 1963. - 513 б.
12. Махмудов А., Тоғаев И. Юксак ўсимликлар бўйича амалий машғулотлар. «Университет». - Тошкент. – 1994. - 85 б.
13. Набиев М. М. Ботаника атлас лугати. –Тошкент. - 1969 - 253 б.
14. Набиев М. Сабзавот резавор мевалар, зираворлар ҳосияти. – Тошкент. – 1990. - 160 б.
15. Определитель растений Средней Азии. Т. II, - Тошкент. -1971. - 362 с.
16. Определитель растений Средней Азии. Т. VI, - Тошкент. – 1993. - 692 с.
17. Определитель растений Средней Азии. Т. VII, - Тошкент. – 1983. - 414 с.
18. Пратов Ў.П., М.М. Набиев. Ўзбекистон юксак ўсимликларининг замонавий тизими. – Тошкент. – 2007. - 62 б.
19. Ҳамидов А., Набиев М., Одилов Т. Ўзбекистон ўсимликлари аниқлагичи. - Тошкент. – 1987. - 327 б.
19. Ҳамидов П., Шукруллаев Е., Тарасова Ю., Қурбонов А., Умрзоқов. Ботаника асослари. – Тошкент. – 1990. - 318 б.
20. Яковлев Г. П. Ботаника. – Москва. – 2001. - 647 с.